

ЕВРОПА КЛАССИК МУСИҚА ЖАНРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА РОМАНТИЗМНИ ТУТГАН ЎРНИ

*Илмий раҳбар - Фаргона давлат университети,
педагогика, психология ва санъатишунослик
факультети, доцент
Рахмонов Улуғбек Каримович
Фаргона давлат университети, педагогика,
психология ва санъатишунослик факультети,
магистрант: Эргашева Моҳизода Рашидҷон қизи*

Аннотация. Мазкур мақолада Европа классик мусиқа жанрини ривожланишида романтизмни келиб чиқиш тарихи ва уни композиторлар ижодида тутган ўрни ҳақида фикрлар илмий асосда ёритилган.

Калит сўзлар. Романтизм, пианино, мусиқа, ноктюрн, полонез, мазурка, миллийлик, лирик, классицизм, классик, симфония, эстетика, объектив.

Аннотация. В данной статье рассматривается история возникновения романтизма в развитии европейского жанра классической музыки и его место в творчестве композиторов с научной точки зрения.

Ключевые слова: романтизм, фортепиано, музыка, ноктюрн, полонез, мазурка, национальность, лиризм, классицизм, классический, симфония, эстетика, объективность.

Abstract. This article discusses the history of the origin of romanticism in the development of the European classical music genre and its place in the work of composers on a scientific basis.

Keywords. Romanticism, piano, music, nocturne, polonaise, mazurka, nationality, lyricism, classicism, classic, symphony, aesthetics, objective.

Романтизм - XVIII аср охири ва XIX аср давомида Европа маданиятида шаклланган бадиий-эстетик йўналиш бўлиб, мусиқа санъатида алоҳида ўрин тутди. Ушбу жанр инсоннинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари ва шахсий тажрибаларини ифодалашга катта аҳамият беради. Романтик композиторлар классик мусиқанинг қатъий қоидаларидан воз кечиб, эркин шакл, бой оҳанг ва чуқур эмоционал ифодага интилганлар. Шу сабабли романтизм мусиқаси тингловчи қалбига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг руҳий оламини очиб беришга хизмат қилади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Европа маданиятида романтизм оқими шаклланиб, санъатнинг барча турларида, жумладан мусиқа санъатида ҳам чуқур из қолдирди. Романтизм инсон ички кечинмалари, ҳиссиётлари,

орзу-интилишлари ва шахс эркинлигини улуғлаш билан ажралиб туради. Ушбу даврда Фредерик Шопен пианино мусиқасини янги бадиий босқичга олиб чиққан бастакор сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Романтизм мусиқада классицизмга хос қатъий шакллардан воз кечиб, эркинлик, индивидуаллик ва ҳиссий ифодани устувор қўйди. Бастакорлар дастурийликка, лирик образларга, миллий оҳангларга мурожаат қила бошладилар. Ф.Шуберт, Р.Шуман, Ф.Лист, Г.Берлиоз каби ижодкорлар қаторида Шопен романтик пианино мусиқасининг энг ёрқин вакилига айланди.

Романтизм - сўзининг маъноси - ғоявий бадиий йўналиш, бадиий услуб - демакдир. Кенг маънодаги романтизм умуман ёзувчи ёки санъаткорнинг ўз атрофидаги воқелик ва ҳаётдан қаноатланмай, бошқа, аниқ воқеликдан юқорироқ ва «тозароқ» воқеликни қумсаш, излаш ва уни тополмаслик натижасида аниқ воқеликни тасвирлашдан юз ўгириб, орзу қилинган воқеликни тасвирлашга ёки бир воқеликни атайин пардозлаб тасвирлашга интилишини англатади. Бундай романтизм инсоният тарихининг деярли ҳамма босқичларидаги адабиёт ва санъат асарларига у ёки бу даражада хос. Ҳатто, романтизмдан кўринишлар фарқ этувчи реализм санъати ва адабиёти ҳам маълум даражада, романтик қисмларга эга. Романтизмнинг ҳам энг прогрессив, яъни ривожланиш, илғор хусусиятларини табиий, узвий хусусиятлар қилиб олади. Чунки, романтизм - «инсон руҳига ҳамма халқларда ва ҳамма замонларда умумий бўлган ҳодисадир».

Муסיқий романтизмдаги янги образлар соҳаси шакл ҳосил қилишнинг янгича тамойилларида намоён бўлади. Классицизм замонида классик симфония классицизм эстетикасига хос бўлган объектив кўринишлари акс эттиради. Симфоник туркум таркиби тугалланганлиги билан характерланади. Қисмлар ичида материалларнинг жойлаштирилишида асосий эътибор мавзунинг ривожланиши ягоналигига ҳамда композициянинг алоҳида қисмларга ажралиб туришига қаратилади. Романтиклар ижодида симфония ҳамда симфоник мусиқанинг аҳамияти сақланиб қолди. Бироқ, романтикларнинг янгича эстетик тафаккури анъанавий симфоник шаклларнинг ўзгаришига ҳамда ривожланишда янгича чолғу тамойилларининг пайдо бўлишига олиб келди. Оламни лирик қабул қилиш - романтик мусиқа мазмунининг энг муҳим қиррасидир. Ушбу субъектив жиҳат ривожланишнинг узлуксизлигида акс этган. Мотивлар алмашилишининг тўлқинли ҳолати, мавзуламиринг вариацияли ўсиб ўтиши романтиклардаги ривожланиш усуллари муайянлаштиради.

Фредерик Шопен - поляк бастакори ва фортепиано ижрочиси, романтик даврнинг энг буюк муסיқий шахслардан бири. Унинг асарлари фортепиано мусиқасининг чўққиларидан ҳисобланади ва бугунги кунда ҳам ижрочилар ва тингловчилар орасида катта ҳурмат ва эътиборга эга. Шопеннинг мусиқаси ўзига

хос нафислик, ҳис-туйғуларнинг чуқур ифодаси ва техник мураккаблиги билан ажралиб туради. Фредерик Шопен Варшавада туғилган ва ёшлигида фортепиано чалишни ўрганган. Унинг истеъдоди эрта намоён бўлиб, у аллақачон ёшлигида кўплаб муваффақиятларга эришган. Шопеннинг ижоди Польша миллий музикаси ва халқ куйларига асосланган бўлиб, у бу музикаий меросни ўзининг фортепиано асарларида муваффақиятли тарзда ифода эта олган.

Фредерик Шопен ўз ҳаётининг катта қисмини ватанидан ташқарида ўтказган бўлишига қарамасдан, бутун жаҳон аҳли кўз ўнгида Польша музика маданиятининг асосий, умумеътироф этилган намоёндаси ролини ўйнаш айнан унинг зиммасига тушган эди. Ф.Шопен санъати учун шундай ўзига хослик мансуб эдики, булар уни барча бошқа замондошларидан ажратиб турар эди. Унинг ижодидаги оригиналлик замондошлари томонидан бирданига ҳис этилган поляк миллий манбаларига бориб тақалади. Ф.Шопен ижодидаги энг муҳим қирра унинг кенг омма учун тушунарли эканлигидадир. Унинг музикаси аудиторияга йўл топиш учун қийинчилик сезган эмас. Ф.Шопеннинг музикаий асарлари ноодатий гўзаллиги ҳамда шаклининг ихчамлиги билан биргаликда тингловчини ҳаяжонга соладиган фикр ва туйғуларнинг бекиёс қудрати билан зийнатланган. Ўз даврида замондошларидан фарқли тарзда Ф.Шопен деярли фақат фортепиано учун асарлар ёзди. Ундан бирорта ҳам опера, симфония ёки увертюра қолган эмас. Ваҳоланки, унинг фортепиано музикаси соҳасида шунчалик кўп ёрқин янгиликлар яратиб улгурган истеъдодига шубҳа бўлмаган. Ф.Шопен учун фортепиано музикаси ҳам ижодий лаборатория, ҳам ўзининг энг аъло даражадаги ютуқлари намоён бўлган соҳа эди. Ф.Шопен ижодида Ватан мавзуси бош мавқени тутади. Унинг бутун ижодида жонажон Польша образи қизил ип бўлиб ўтади. Булар унинг буюк ўтмиши, миллий адабиёт образлари, замонавий поляк маиший ҳаёти, миллий рақс ва кўшиқлар оҳанги эди.

Ф.Шопен ўз ижодини фортепиано музикаси доирасида чегаралаб беради, бу соҳада эса у жуда баланд даражаларга ҳамда бадиий кўп қирраликка эришди. У айни шу чолғу асбобидан бутун бошли оркестр учун рангга палитрасини чиқара олди. Жаҳоннинг машҳур пианиночиларидан бири Антон Рубинштейн бежиз «Ф.Шопен - фортепианонинг «барди, яъни куйчи шоир, рапсоди, яъни халқ куйчиси, руҳи, жони» деган эди. Ф.Шопеннинг музикаий фикрлари фортепиано устида бадиҳатан туғилган ҳамда соф пианино жаранги билан ифодаланган. Унинг фортепиано ижоди фортепиано музикасининг кейинги тараққиёттида жуда катта ўрин ўйнади. Ф.Шопеннинг таъсири фақат Ф.Лист ва бастакорнинг бошқа замондошларигагина бўлган эмас, балки рус бастакорларининг кўплаб авлоди, XIX аср ўрталаридан бошлаб то А.Скрябин ва бизнинг замонамизга бўлган бастакорлар ижодига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ф.Шопен оригинал, яън яхлит музикаий жанрлар ва шакллар ижодкори

бўлган. Унинг чолғу миниатюралари янгича ҳаёт касб этади. Ф.Шопен прелюдиялари ижоднинг мустақил тури сифатида тасдиқлади, этюд жанри тараққиётидаги янги йўналишнинг бошловчиси бўлди, айрим ўйин жанрлари, яъни полонез, мазурка олдига у янгича бадиий мақсадларни қўйди. Йирик шакллар борасида соната цикллариининг талқинларидаги. шунингдек, соната шаклининг ўзидаги ўзига хосликлар ажаралиб туради. Ф.Шопен чолғу балладаларининг ижодкори ҳамдир, скерцо, туркум асарларининг илк қисми катта режадаги мустақил композиция даражасига ўсиб ўтади. Айнан, бир қисмли асарлар, яъни балладалар, скерцо, фантазияда янги, турли шакллариининг қўшилишидан келиб чиқадиган турлар, янги романтик шакллар келиб чиқади ҳамда, тасдиқланади.

Шунинг айтиб ўтиш жоизки, романтизм муסיқа жанри муסיқа санъати тараққиётида муҳим босқич ҳисобланади. У инсон ҳиссиётини, табиат гўзаллигини ва шахсий эркинлик ғояларини муסיкий қиёфалар орқали ёритиб берди. Романтик композиторлар яратган асарлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, муסיқа маданиятининг ноёб мероси сифатида қадрланади. Романтизм муסיқаси инсон қалбини чуқурроқ англашга, эстетик завқ олишга ва руҳий бойликни оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алексеев А.Д. История фортепианного искусства. М.1967 г.
2. Ванслов В. Эстетика романтизма. М. 1966 г.
3. Левик Б. «Музыкальная литература зарубежных стран» вып 2, 4, 5. М. 1972,1973, 1975 г.
4. Музыка Австрии и Германии XIX века. М. 1990 г.
5. Проблемы романтической музыки XIX века. М. 1990 г.
6. Галущенко И. История музыки народов мира. Вып-3. Т. 200 г.
7. Гуревич Е. История зарубежной музыки. 2-е изд. М. 2000 г.
8. Друскин М. Клавирная музыка Испании, Англии, Нидерландов, Франции, Италии, Германии XVI-XVIII веков. Л. 1960 г.
9. Евдокимова Е. Многоголосие средневековья X-XIV века. История полифонии. Вып.1. М. 1983 г.
10. История зарубежной музыки. Вып. 1-6. М. 1986 г.